

Кофирлар - фисқу фужур эгалари



12:16 / 26.03.2019 4121

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿كَيْبِرٍ ضَلَّ فِيهَا لَا تُسْمِعُ إِلَّا مَنْ أَلَّهَ نَزَّلَ مَا وَفَّلْنَا فَكَذَّبْنَا نَذِيرٌ جَاءَهُ قَدَّ بَلَى قَالُوا

«Улар: «Ҳа, дарҳақиқат, бизга огоҳлантирувчи келган эди. Лекин биз (уни) ёлғончига чиқардик ва: «Аллоҳ ҳеч нарса нозил қилгани йўқ, сизлар катта залолатдасизлар, холос», - дедик», - дейишар».
(9-оят).

Маълумки, кофирлар бу дунёда пайғамбарларни тан олмайдилар. Уларни ёлғончи, фолбин, алдамчи, деб ҳақорат қиладилар, фисқу фужур қилаверадилар. Аммо бу ишлари Аллоҳ таолонинг назаридан четда қолмайди. Ҳеч бўлмаганда, қиёмат куни дўзахга тушаётганларида, Аллоҳ таоло Ўз адолати билан уларнинг ўз тилларидан хатоларини тан олган

сўзларини чиқартирар экан. Энди кофирларни дўзах азобига олиб келган сабаб ҳақидаги эътирофни уларнинг ўз тилларидан эшитайлик.